O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 14-yanvar № 7 (3044) shanba


## ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб вазифага бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният етказади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армияни ташкил этиш бўйича ўзининг кўлами ва миқёсига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда.

Замонавий талабларни, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларнинг ташкилий-штат тузилиши принципиал жиҳатдан ўзгартирилди, тезкор-стратегик бошқарув, оператив тайёргарлик ва қўшинларни жанговар қўллашнинг ҳақиқий марказига айланган Бирлашган штаб бошчилигида қўшин турларини самарали бошқариш тизими яратилди.

Ҳарбий округлар тузилди, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими шакллантирилди, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган энг муҳим йўналишларда ҳаракатчан, яхши таъминланган бўлинмалар, биринчи навбатда, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва одамларимизнинг тинч-осойишта ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз кучларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатларига қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси батальонлари тузилди.

Умумқўшин бригадалари бўлинмалари таркибига вертолёт техникасининг берилиши уларнинг жанговар имконияти ва қудрати, ҳаракатчанлиги, шиддатли равишда кечадиган тезкор операцияларни бажариш қобилиятини сезиларли равишда оширди.

Айни пайтда миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш соҳасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Армиямизнинг сержантлар таркибини, шунингдек, стратегик фикрлайдиган, интеллектуал савияси етук офицер кадрлар ва қўмондонлик таркибини тайёрлаш жараёни принципиал жиҳатдан янгича ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Чақирувнинг ўзи эса бир йилда бир марта амалга оширилмоқда. Сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиздаги ҳарбий хизматчиларнинг ярмидан кўпини шартнома асосида хизматга чақирилган аскар ва сержантлар ташкил этмоқда. Буларнинг барчаси армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди.

Биз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш, улар учун зарур уй-жой ва маиший шароитларни яратишга муҳим аҳамият бериб келмоқдамиз. Фақат кейинги беш йилда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч карра ошгани, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ва ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқдори эса саккиз баробар ўсгани ҳам шундан далолат беради.

Амалга оширилган ана шундай кенг кўламли ишларимиз якунларини баҳолар эканмиз, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бир сўз билан айтганда, армия хизмати том маънода мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабига айланмоқда.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги босқичда Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш ва унинг жанговар тайёргарлигини оширишнинг аҳамияти энг аввало дунё шиддат билан ўзгараётган, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази атрофидаги вазият тобора кескинлашаётган бир шароитда қарама-қаршилик, хавфсизликка турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётганини ҳисобга олганда, минтақада юзага келаётган мураккаб вазият билан белгиланади.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, улкан минерал-хомашё ресурсларига эга экани туфайли кейинги йилларда йирик давлатларнинг доимий диққат марказидаги объектга, уларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланмоқда, шу билан бирга, ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида уруш давом этаётган Афғонистондаги кескинлик ва қарама-қаршиликнинг ҳали-бери сақланиб келаётган таъсири остида қолмоқда.

Америка контингенти ва хавфсизликка кўмаклашадиган халқаро кучларнинг 2014 йилда Афғонистондан олиб чиқиб кетилишининг эълон қилиниши ва келгусида бу қарорнинг амалга оширилиши террорчилик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайиш хавфининг кучайишига, мазкур улкан минтақада кескинлик ва қарама-қаршиликнинг ортишига, бу ерда доимий беқарорлик манбаи яратилишига олиб келиши мумкин.

Минтақада жойлашган айрим мамлакатлардаги ижтимоий норозиликнинг кучайиши, экстремистик кучларнинг сафига янги-янги аъзоларни жалб этиш учун қулай замин туғдираётган, ёмонлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазият минтақавий барқарорлик ва хавфсизликка қарши жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда.

Шу борада ихчам, ҳаракатчан қисм ва бўлинмалардан фойдаланган ҳолда, қўққисдан, шиддатли ва тез амалга оширилиши билан ажралиб турадиган замонавий жанговар операцияларни ўтказиш шарт-шароити ва характери тубдан ўзгарганини доимо назарда тутиш лозим.

Бугунги кундаги ҳарбий можаро ва маҳаллий урушлардаги жанговар операцияларнинг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, махсус вазифаларни бажарадиган принципиал жиҳатдан янги жанговар тизимларни, бир-бири билан бевосита жангга кирмасдан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш шаклларини ва энг янги ахборот технологияларини, замонавий, юқори даражадаги аниқлик билан зарба берадиган қурол-яроғ турларини қўллаган ҳолда уруш олиб бориш усулларидан тобора кенг фойдаланилмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, Марказий Осиё ва дунёда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий вазиятни баҳолаш минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётга нисбатан таҳдидларнинг кучайиш тенденцияси тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг бутун мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини юксалтириш бўйича олдиндан ишлаб чиқилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва ҳарбий тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бугунги вужудга келган шароитда Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби, ҳарбий округ ва қўшин турлари қўмондонлари, бригада командирлари, бутун офицерлар корпуси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Директивасида баён этилган устувор мақсад ва йўналишларни амалга оширишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобласин.

Бу борада минтақамизда юз бериши мумкин бўлган жанговар ҳаракатлар театри шароитида тажриба тўплашни янада ошириш, замонавий ҳарбий операциялар ўтказишнинг асосий тамойил ва усулларига оид билимларни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш, қўшинларда фавқулодда мураккаб ва кескин шароитларда вазиятни тез ва тўғри баҳолай олиш ва қарор қабул қилиш қобилиятини тарбиялаш, замонавий жанговар операцияларда замонавий ва юқори даражадаги аниқлик билан зарба берадиган қурол-яроғларни қўллаш асосларини пухта эгаллашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қуролли Кучлар ва ҳарбий округлар қўмондонлиги томонидан замонавий ҳарбий ҳаракатлар театри шароитида жанговар операцияларни ўтказишнинг турли моделларини ўзлаштиришнинг мактабига айланиши лозим бўлган қўмондонлик-штаб ва тактик ўқув машқларини режалаштириш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга ўта жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Қисм ва бўлинмаларни замонавий қурол-яроғ ҳамда техника ва уларнинг фаолиятини таъминлайдиган воситалар билан қайта жиҳозлаш, мавжуд қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани жангга шай ҳолатда тутиш ва модернизация қилиш учун зарур бўлган қудратли таъмирлаш базасини яратиш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида туриши даркор.

(Давоми 2-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2012 йилнинг феврал-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2012 йилнинг март-апрел ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Б.Тошматов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 12 январ

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, шунингдек ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:***

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»**

**Даниярходжаев Бахтиёр Искандерович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

***Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчликни, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ильясов Илимдар Мамутович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси бошлиғининг ўринбосари

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Аббасов Равшан Кодирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Караев Асил Асророрвич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми секция командири

**Кульмуратов Тагир Файзуллаевич** — Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра мудири

**Мурадов Сайфулла Хайитович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди командири

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ишмуратов Каримжан Эгамберганович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Мавлютов Радислав Камильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Нуриллаев Шодмон Шоймович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Ражабов Абдурахим Абдувалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хаджимухамедов Абдумалик Маджидович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Хужакелдиев Элбек Рахматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ершов Александр Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Каратаев Шавкат Нигматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Негриенко Александр Яковлевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси бўлим бошлиғининг катта ёрдамчиси

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдукахоров Жамолдин Махаматжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Абдурахимов Шамсиддин Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг секция назоратчиси

**Агзамов Ёкубжон Шукуржонович** (марҳум) — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлинма бошлиғи

**Азизов Акбар Анварходжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Азимов Рустам Юсупжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Акмалов Санжарбек Исламбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Асланов Нодиржан Кабилович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Ашуров Ҳусниддин Хуррамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг секция назоратчиси

**Байниязов Каллибек Хожаниязович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Бобоёров Элдор Худоёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ мутахассиси

**Бозоров Холдор Хужаёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг секция ўқчиси

**Валиев Нодир Мухтарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

(Давоми 2-бетда)



Икром ХАСАНОВ олган сурат

Тинчлик — энг буюк неъмат. Барқарор ва осуда ҳаётни таъминлашда эса ҳарбийларнинг ўрни беқиёс. Юртимизда бу соҳага катта эътибор берилмоқда. Кеча «Туркистон» саройида Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ishonch
2012-yil 14-yanvar № 7 (3044)

# ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қўмондонлик ва сержантлар таркиби кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан яхшилашни талаб этмоқда. Ҳарбий таълим ва жанговар тайёргарликни янги сифат босқичига кўтариш Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини оширишнинг энг муҳим шартидир.

Сержантлар ўртасида командирлик ва етакчилик фазилатларини янада ривожлантириш, улар томонидан жанговар тайёргарликни ташкил этишнинг энг янги шакллари, усул ва услубларининг ўзлаштирилиши, шахсий таркибнинг уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва ҳарбий техникани моҳирлик билан ишлатиши, шунингдек, бошланғич бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳит ва тартиб-интизомни яхшилашда сержантларнинг ролини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш зарур. Бунинг учун ўзаро мусобақа муҳити, моддий ва маънавий рағбатлантириш шароитини яратиш керак.

Қуролли Кучларнинг ҳаракатчанлиги ва жанговар қобилиятини ошириш мақсадида жанговар взводларнинг юксак тайёргарлик даражасини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолиши зарур. Бу вазифани амалга ошириш ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятлари, ҳарбий операцияларни ўтказиш тактикаси ўзгарган шароитда взводларнинг тобора ортиб бораётган роли ва аҳамиятини белгилаб беришга қаратилган дастур, низом ва режалар, бир сўз билан айтганда, барча асосий ҳужжат ва қоидаларни қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Взвод олдига қўйилаётган вазифаларнинг мураккаблашуви ва кенгайиши, унинг роли кескин кучайиши билан взвод командирларига ва уларнинг профессионал тайёргарлигига нисбатан талаблар ҳам ошиб бормоқда. Бугунги кунда взвод командири ҳар томонлама кенг билим ва юксак профессионал маҳоратга эга офицер бўлиши, фавқулодда ва кескин шароитларда ўзи мустақил равишда ностандарт қарорлар қабул қила олиши, ўзига бўйсунадиган бўлинмаларни жангда ҳам, кундалик фаолиятда ҳам моҳирлик билан бошқара олиши даркор.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизмат шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларимизнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши керак.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида аҳамиятга молик вазифа сифатида қараш зарур. Нега деганда, бугунги замонда фақат ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланган ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга, пухта тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама таъминланган Қуролли Кучларгина давлатимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади.

Ҳурматли ватандошлар!

Мана шу қутлуғ айёмда сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 20 йиллиги билан табриклар эканман, Қуролли Кучларимиз сафларида бугун жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб хизмат қилаётган, машаққатли меҳнати, керак бўлган пайтда эса ўзининг ҳаётини ҳам бағишлаб Ватан ҳимояси йўлидаги шарафли бурчини адо этаётган барча ҳарбий хизматчиларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман. Меҳрибон ота-оналарингиз, умр йўлдошларингиз, ўғил-қизларингиз она юртимиз равнақи учун муносиб, жанговар хизмат қилаётган ўз фарзандлари, турмуш ўртоқлари ва оталари билан ҳар қанча фахрланса арзийди, албатта.

Янги 2012 йилда барчангизга мустаҳкам соғлик, бахт ва омад ёр бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

■ **Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил топганига 20 йил тўлди. Ўтган даврда Юртбошимиз раҳнамолигида Ватанимиз сарҳадларини ишончли ҳимоялайдиган қудратли армияни шакллантиришга эришилди. Қуролли Кучларимиз энг замонавий ҳарбий техникалар билан таъминланган. Армиямиз сафи улардан унумли фойдалана оладиган миллий кадрлар билан тўлдирилди. Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилаларига муносиб шарт-шароитлар, имтиёзлар яратиб берилмоқда. Асосийси, армиямиз, ҳарбий хизматчиларга нисбатан халқнинг ишончи ортди.***

# Юрт ҳимояси — муқаддас бурч

Президентимизнинг ўтган йили 28 октябрда «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида ушбу улуғ санага катта ҳозирлик кўрилди. Айни кунларда корхона, ташкилотлар, маҳаллаларда байрам муносабати билан турли тадбирлар ўтказиш, армиямиз фахрийлари, аскар, сержант ва офицерларни тақдирлаш маросимлари кенг қулоч ёзган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ҳам Ватан ҳимоячиларига бўлган эътиборни янада кучайтириш мақсадида 2011 йилнинг 22 ноябрида тегишли қарор қабул қилиниб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан мамлакатимиз касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳарбий қисмларда, чегара ҳудудларида жойлашган ҳарбий гарнизонлар, олий ҳарбий ўқув юртларида ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги «Ўзбекистон Қуролли Кучлари 20 йил ичида», «Ўзбек йигити — мустақиллик посбони», «Маҳаллам тинч — юртим тинч», «Қуролли Кучларимиз — ишончли таянчимиз», «Мамлакатимиз Қуролли Кучлари — тинчлик ва осойишталик гарови», «Она-Ватанни қўриқлаш — ҳар бир инсоннинг бурчи» ва бошқа турли мавзуларда саккиз юздан зиёд давра суҳбатлари, учрашувлар, спорт мусобақалари, байрам тадбирлари ўтказилди. Уларда 470 мингга яқин фуқароларимиз иштирок этиб, икки мингдан зиёд ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, хизматни ўтаётган пайтда ҳалок бўлганлар фарзандлари, иккинчи жаҳон уруши, Афғонистондаги уруш иштирокчиларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Кўпчилик ўзбек ўғлонлари болалигидан «Катта бўлсам аскар бўламан» дея орзу қилади. Бу борада уларга мактаб, мактабгача таълим масканларидаги жисмоний тарбия, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларидаги чақириққача бошланғич тайёргарлик сабоқлари қўл келади. Чақириққа қадар бошланғич таълим устозларини рағбатлантириш, уларнинг диққатга сазовор ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши ўқитувчи» республика кўрик-танлови ўтказилди. Танлов ғолиби компютер тўплами билан тақдирланди.

Касаба уюшма фаоллари, фахрийлари ҳамда ёшларнинг ҳарбий хизматчилар билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида ҳарбий қисмларда учрашувлар ташкил қилинмоқда. Жумладан, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши тасарруфидаги шаҳар, туман бирлашган қўмиталари фаоллари алоҳида ўрнак кўрсатган аскар ва зобитлар билан жойларда учрашиб, уларни рағбатлантириш ишларини ташкил этдилар. Бўстонлиқ туман касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси бошчилигида чегара қўшинларининг аскар ва офицерлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Чернобил ҳалокати, Афғонистондаги уруш иштирокчиларига эсдалик совғалари тарқатилди.

Бундан ташқари, касаба уюшма ташкилотлари томонидан Тошкент вилоятида ҳарбийлар билан учрашув ўтказилиб, 2 нафар офицер пул мукофоти, 13 нафар офицер 700 минг сўмлик совғалар билан тақдирланди. Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги ҳарбий қисмга 1 млн. сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги ҳарбий қисмнинг 15 нафар аскарига совғалар топширилди. Термиз шаҳридаги темирйўлчилар маданият клуби бадиий жамоасининг концерт дастури намойиш қилиниб, касаба уюшма қўмитаси томонидан чегарачиларга 823 минг сўмлик принтер совға қилинди.

«Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси томонидан ҳарбий чақирув ёшидаги ҳамда ҳарбий хизмат муддатини ўтаган 50 нафар ёшнинг Чирчиқ шаҳридаги олий ҳарбий танк билим юрти курсантлари билан учрашуви ташкил этилди.

Қўқон темирйўлчилар маданият саройида темирйўлчиларнинг ҳарбий комендатура ходимлари ва Қўқон шаҳридаги чегарачи ҳарбий қисм хизматчилари билан учрашувлари ўтказилиб, концерт дастури намойиш қилинди ва ҳарбий комендатурага телевизор ва чегарачиларга 2 млн. 250 минг сўм миқдорида эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Марказий ҳарбий клиник госпиталида, Тошкент шаҳридаги Марказий офицерлар уйида, «Восток» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Зангиота туманидаги ҳарбий қисмлар, Мудофаа вазирлигида ҳарбийлар билан учрашув ва давра суҳбатлари уюштирилиб, алоҳида хизмат кўрсатганлар касаба уюшмаларининг Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Грунин Анатолий Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Джалилов Анваржон Давронович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

**Исматуллаев Сайдулла Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Киличов Сохиб Эгамбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг секция ўқчиси

**Кудратов Урол Рахматович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Курбанов Сардор Султанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми секция мутахассиси

**Кутиков Мухитдин Алимбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми секция мутахассиси

**Маматкулов Рустамжон Мустофокулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мансуров Хошимжон Хокимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Махкамов Муродилло Мусаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Мирзатов Мамаюсуф Жаббарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Мухаммадиев Козим Абдумуминович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Назаров Боҳодир Абдураимович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Нарзиев Миршод Эркин ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ ўқчиси

**Нуралиев Рахмутдин Мамажонович** — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Нурматов Дониёр Анваржанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг секция ўқчиси

**Нурматов Мирзарахим Мирзахамдамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Примкулов Миржалол Жалилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг секция ўқчиси

**Раджапов Баходир Джураевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Рахимов Шухратжон Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ командири

**Рўзиев Лазиз Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рустамов Жавлон Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ командири

**Сатторов Хайриддин Розиқович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ ўқчиси

**Таджиев Мурад Исмаилович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ командири

**Танташев Ринат Ахмедович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тошмуродов Салохиддин Турсункулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми бўлинмасининг катта офицери

**Тургунов Нодирбек Аъзамович** — Наманган шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Файзуллаев Бокижон Комолидинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг секция назоратчиси

**Хаджимуратов Исакул Онгарович** — Давлат божхона қўмитасининг Сирдарё вилояти бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Халилов Темир Сиронович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта ёнғин ўчирувчиси

**Хасанов Мирзамон Алишер ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ кавалеристи

**Хомитжонов Абдулвосид Ахматжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Худайберганов Мирджамал Миркадирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Шайманов Алишер Талатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Эргашев Ахроржон Турғунбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взводининг йўриқчиси

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Аббасов Хабибулло Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби гуруҳ бошлиғи

**Абдезов Бахтияр Жаксиликович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми секция командири

**Авалбоев Даврон Абдиғофирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Асилов Абдумутал Турсуналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Рустамжон Тургунбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Буриев Шухрат Курбоналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Джумаев Руслан Тахирович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бош инспекцияси бошлиғининг ўринбосари

**Джураев Обид Олимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дряглин Николай Викторович** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тезкор алоқа радиостанцияси бошлиғи

**Евсеев Алексей Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Жалекеев Шадимурат Мадримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми катта техниги

**Жуманазаров Давронбек Рахимбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти батальон командири

**Жураев Одилжон Алимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Каримов Бекмурод Болтаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взводининг катта механиги

**Каримов Ихтиёржон Дехконович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Каршиев Бурхонкул Дуланович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ командирининг ўринбосари

**Ким Олег Моисеевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Клишов Алтинбай Узакбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ катта мутахассиси

**Комолов Хамидило Орипович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосари

**Кудратходжаев Ботир Бахромович** — Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурори

**Курбанов Абдулатиф Абдулазизович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Мавлонов Анвар Икромович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Мадрахимов Ахмажон Ёдгорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми секциясининг катта ҳайдовчи-техниги

**Мадрахимов Отабек Абдиназирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ катта мутахассиси

**Мамажонов Бахриддин Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамажонов Шавкатбек Хусанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи

**Маматсаев Аъзамжон Якубжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод мутахассиси

**Мансуров Рустам Ренатович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

**Мардиев Аваз Мехриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод йўриқчиси

**Матёкубов Озат Эгамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Махаматов Шухратбек Латипович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми радиостанция бошлиғи

**Мехмонов Кулдашали Юлдашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Муродов Фуркат Курбанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Мухаммадиев Искандар Абдуғаниевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Назаров Зохид Абдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Ниетуллаев Куралбек Оралбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм штаб бошлиғининг ўринбосари

**Пардабаев Хайрулла Шеркулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ командири

**Ражабов Назиржон Нуъмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми отряд командири

**Расулов Химмат Абдураупович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ёрдамчиси

**Рузиев Илхом Юсуфович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг дивизион катта техниги

**Сапаров Алихан Еркинович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Сидиков Толиб Абдурахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ командирининг ўринбосари

**Синдаров Уктам Хайруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод катта йўриқчиси

**Суннатов Ихтиёр Хикматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашма командирининг ўринбосари

**Таштемиров Ойбек Камилович** — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**Тиллаев Анваржон Сайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми секция командири

**Турабоев Элдорбек Кобилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турсункулов Панжи Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми назоратчиси

**Убайдуллаев Алишер Азамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

**Фозилов Носиржон Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фарғона ҳарбий госпитали бошлиғи

**Халилов Артур Алимович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бўлим катта офицери

**Чориев Шерали Ешимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Шакиров Шухратжан Тахирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ бошлиғи

**Шодиев Эргашали Фозилович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патрулпост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Эшматов Рустам Мурадович** — Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи

**Якупов Хайрулла Хасаматдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми секция командири

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Аббасов Жамшид Дилшодович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ командирининг ўринбосари

**Абдусамадов Абдумалик Карimжонович** — Самарқанд ҳарбий прокурорининг ўринбосари

**Акимбаев Абдугапар** — Янгийўл шаҳар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти автомобил мактабининг катта устаси

**Аманов Олим Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Ан Александр Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ командири

**Ачилов Жобир Тўймуродович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Гузаров Шухрат Эшниязович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми хизмат бошлиғи

**Джуманова Ильмира Маликовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали фельдшери

**Ишмурадов Баходир Абдунасимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командири

**Мирзаев Фозил Расулович** — Қарши шаҳар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти автомобил мактабининг ўқитувчиси

**Муратов Бахтиёр Шавкатович** — Давлат божхона қўмитасининг Жиззах вилояти бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи

**Норкурбанов Уткиржон Сидикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Одинаев Бахтиёр Каримкулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Осипова Галина Игорьевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Термиз ҳарбий госпитали шифокори

**Раҳматуллаев Равшанбек Шавкатжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг гуруҳ мутахассиси

**Ризоев Ғуломжон Юсупович** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқармасининг авария-тиклаш ишлари маркази бошлиғи

**Рустамов Рахмон Вахобович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Салаев Улуғбек Шамсиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми қоровул бошлиғи

**Салиев Махсуджон Мурадович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Талибов Абдувахид Абдусаламович** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизмати бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Толипов Мадаминжон Эминович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги муҳандислик-авиация бошқармасининг бош муҳандиси

**Умаров Саидахрор Аскарович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судяси

**Эргашев Хамза Амонович** — Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**Юлдашев Зафар Жураевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми баталон командири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 13 январ

# Ватан азиз, жасорат мангу!



Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши неча йилдирки, чегара қўшинларига қарашли N-ҳарбий қисм билан дўстона алоқада турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб келмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан бундай тадбирлар кўлами кенгайди.***

## Мард ўғлонлар шарафланди





Кенгаш вакиллари вилоятнинг бир гуруҳ ижодкорлари билан биргаликда ҳарбий қисмга ташриф буюришди. «Ватанга хизмат қилиш — олий саодат» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида кенгаш раиси Муяссар Раҳимова юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тайёрлаш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу жараёнда касаба уюшмаларининг ўрни ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон халқ артисти Гулора Раҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Комилжон Тожибоев ижросидаги Жалолиддин Мангуберди ва унинг онаси суҳбати акс эттирилган саҳна кўриниши аскарларда катта таассурот қолдирди.

Урганчдаги «Семруғ» чойхонасида бир пиёла чой атрофида ташкил қилинган байрам тантаналари янада қизиқарли кечди. «Ватанимиз посбонлари — фахримиз ва ғururимиз» мавзуидаги тадбирга Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегарасини ҳимоя қилувчи қўмитага қарашли N-ҳарбий қисмнинг шахсий таркиби ва аскарлар таклиф қилинди.

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раиси Ленинза Асқарова иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай сарҳадларимизни қўриқлаб, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришимизни таъминлаётган ватан посбонларига миннатдорлик изҳор қилди.

Воҳанинг таниқли шоир ва ёзувчилари, санъаткорлари шеър ва қўшиқлари билан мард ўғлонларни шарафладилар. Вилоят қўғирчоқ театри жамоаси томошалари тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.

Тадбирга ташриф буюрган ватан посбонлари ҳам самимий фикрларини билдирдилар.

— Касаба уюшмаларининг эътиборидан хурсанд бўлдик, — деди ҳарбий қисм командири, майор Илҳом Жалолов. — Ҳар бир давлат мустақиллигини мамлакат армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилади. Ўтган йигирма йил давомида ҳарбий тизимда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида вужудга келган профессионал миллий армиямиз энг замонавий қурол-яроғ, ҳарбий техникалар билан таъминланган.

— Мамлакатимиз мустақиллиги ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 20 йиллигини, ўзимнинг 20 ёшимни армия сафида туриб кутиб олганимдан жуда бахтиёрман, — дейди қувонч билан оддий аскар Шерзод Назаров.

Ватаннинг мард ва жасур ўғлонларини шарафлаш мақсадида ташкил қилинган тантаналар кўтаринки руҳда ўтди.

Зулфия ЮНУСОВА

## Шифокорлик шаънин ардоқлаб

***Сокин тун. Шаҳар аҳли ором оғушида. Соат иккига бонг урганда бемор кўзини очди. Унинг ҳолатини бир дам бўлса-да кўздан қочирмай турган шифокор енгил тин олди. Ҳар гал шундай. Жарроҳлик операциясидан сўнг, бемор ўзига келгунга қадар шифокорлар тик оёқда бўлади. Айниқса, бу галги операция жуда оғир кечди. Бундай дамларда улар тунларни тонгга улашади. Малакали жарроҳ, тиббий хизмат полковниги Улуғбек Расулов жонлантириш бўлимида ётган бемор олдидан чиқаркан, яна бир инсон ҳаётга қайтганидан мамнун эди. Тун бўйи кўзи илинмаган бўлса-да, ҳорғинлик сезмасди...***

Мустақиллик байрами арафасида Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталига келган хушхабар жамоа аҳлини қувонтирди. Истиқлолимизнинг 20 йиллиги муносабати билан давлат мукофоти билан тақдирланганлар сафида Улуғбек Расулов ҳам бор эди. Президентимиз фармонига кўра у «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Қаҳрамонимиз бир қадар мураккаб бўлган ҳарбий шифокорлик касбига меҳр қўйди. Мактабни тугатгач, ҳарбий тиббиёт академиясига ўқишга кирди. Истиқлолнинг илк йилларида ҳарбий қисм тиббиёт пунктида хизматни бошлади.

— Ота-онам ҳамма вақт қизиқишимиз, иқтидор ва имкониятимизни инобатга олишган, — дейди у ўқувчилик даврини эслаб. — Айнан ҳарбий шифокор бўлишимда чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Рауф ака Саидовнинг ўрни катта. Устозимизнинг ҳарбий таълимдан берган сабоғи сабаб, синфимиздаги ўғил болаларнинг тўқсон фоизи ҳарбий бўлишга аҳд қилган ўшанда. Шунингдек, ҳарбий шифокор қўшнимизга ёшликдан ҳавас қилганман. Улар мендаги қизиқишни кўриб, ҳарбий тиббиёт академиясида таҳсил олишимни маслаҳат беришди. Ота-онам ҳам мақсадимни қўллаб-қувватлади. Мана, йигирма йилдирки, ўзим орзу қилган ҳарбий либосда тиббиёт соҳасида хизмат қилиб келаяпман.

Йигирма йил. Бу инсон ҳаётида катта фурсат. Улуғбек соҳанинг нозик ва сирли қирраларини эгаллаш учун тинмай изланди, интилди. Истеъфодаги тиббий хизмат офицерлари Рустам Саидов, Виктор Костенко, Шавкат Очилов, марҳум Талъат Исомуҳамедов каби ҳарбий тиббиёт дарғалари — етук жарроҳлардан сабоқ олди.

— Тиббиётда кичик бир эътиборсизлик ҳам катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин, — дейди суҳбатдошимиз. — Шунинг учун устозларим менга беморлар билан суҳбатлашишдан тортиб, ташхис қўйишга қадар ўргатишди. Чунки операция жараёни муваффақиятли чиқиши учун билим ва малака билан бирга ҳушёр ва эътиборли бўлиш жуда зарур. Мен госпиталда хизмат бошлаган йиллар шифохона ҳаётида бироз қийинчилик ҳукм сурган даврлар эди. Чунки бошқа миллатга мансуб бўлган кўплаб ҳарбий шифокорлар госпитални тарк этиб, ўз юртига қайтиб кетганди. Беморлар сони кўп, шифокор кадрлар эса озчиликни ташкил этарди. Аммо ўз юртига, касбига садоқатли ҳарбий шифокорлар бу қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишди. Биз, ёш кадрлар ҳам ўз устимизда тинмай ишладик, малака оширдик. Хорижий давлатларга бориб, тажриба эгаллаб қайтдик. 1997 йили Москвада, 1999 йилдан 2001 йилга қадар Германияда қон томирлари жарроҳлиги бўйича малака ошириб келдим. Ҳозирда марказий ҳарбий клиник госпиталимиздаги ҳар бир шифокор юқори малакага эга, десам янглишмайман.

Мана, йиллар ўтиб, номлари фахр билан тилга олинадиган ҳарбий шифокорлар сафидан жой эгаллаган тиббий хизмат полковниги Улуғбек Расулов бугун ёш кадрларнинг устози. Унинг шогирдлари — тиббий хизмат подполковниги Собир Ҳайдаров, тиббий хизмат катта лейтенанти Дилшод Ғуломов, Қуролли Кучлар хизматчиси Шаҳноза Ғаниева каби қатор иқтидорли жарроҳлар фидойи хизматлари билан эътиборда.

«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби бўлган қаҳрамонимиз нафақат малакали шифокор, балки хизмат синовларида тобланган ҳарбий хизматчи ҳамдир. Шунингдек, катта бир оиланинг суянган тоғи. Ўқитувчилик касбини ардоқлаб келаётган Гулчеҳрахон тунларни тонгга улаб хизмат қилгувчи умр йўлдошига меҳрибон суянчиқ бўлса, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида таҳсил олаётган Замирахон дадаси билан ҳамиша фахрланади. Ўғли Зафарбек эса тиббиёт коллежини битиргач, тиббиёт академиясида таҳсил олиб, ота изини босишга аҳд қилган.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
капитан

***Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини юксалтиришда фидойилик кўрсатаётган ватан посбонлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Сержант Санжар Жумабоев ҳам мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан юксак мукофотга сазовор бўлди.***

## Бурчга содиқлик ватан меҳридан

— Миллий армиямиз сафларида юрт ҳимоясини ҳаётининг мазмуни деб ҳисобловчи ҳарбийлар хизмат қилмоқда, — дейди офицер Алишер Раҳмонов. — Жумладан, ҳарбий жамоамизда ўз касбининг фидойилари кўп. «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, сержант Санжар Жумабоевни ҳеч иккиланмай уларнинг сафига қўшишимиз мумкин.

— Юксак мукофот билан тақдирланишим ҳарбий қисмимиз, барча устоз офицерларнинг ютуғидир, — дейди қаҳрамонимиз. — Бундай эътироф янада иштиёқ ва шижоат билан хизмат қилишга, ташаббускорлик кўрсатишга чорлайди.

Кичик командир тоғ тайёргарлиги бўйича йўриқчи. У ҳар бир машғулотнинг сифатли ўтишига алоҳида эътибор қаратиб, тайёргарлик турига доир маълумотлар, айниқса, амалий машқларнинг пухта ўзлаштирилишига интилади.

— Рақобат бор жойда юксак натижалар қайд этилади, — дейди сержант. — Ҳарбий қисмимизда куч ва билим бобида ўзаро баҳслашувчи ҳарбий хизматчилар, бўлинмалар кўп. Масалан, ҳамкасбим — кичик сержант Алишер Каттақулов билан доим рақобатлашаман. У тайёрлаган бўлинма тоғ тайёргарлиги мусобақаларида илғор саналади. Гуруҳимиз эса бир неча бор иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Лекин бу сафар ғалаба биз томонда бўлишига ишончим комил.

Юқори кўрсаткичлари билан сафдошларига ўрнак бўлаётган сержант Қуролли Кучларимизнинг шонли 20 йиллигини муносиб ютуқлар, янада кўтаринкилик ва шижоат билан кутиб олмоқда.



Тимур НАРЗИЕВ,
лейтенант

## Ота касбим — менинг фахрим

***Шарифахон ая тўнғичи Алишернинг кўзгу олдида дадасининг ҳарбий либосларини кийиб кўраётганини кузатаркан, «Қанийди, отанг касбини танлаб, Ватан ҳимоячиси бўлиб улғайсанг. Сенга бу либос жудаям ярашган бўларди», дея кўнглидан ўтказди...***

Орадан йиллар ўтди. Мактабни тамомлаган Алишер тенгдошлари сингари олий ўқув юртига ҳужжат топширмади. Чунки унинг қалб тўрида сақлаб келаётган орзуси бор эди. Бу ҳам бўлса, отаси Аристанбек Шаменов каби ҳарбий бўлиш эди.

— Болалигимдан ҳарбий соҳага қизиқдим, — дейди Алишер. — Бунга отамнинг ҳарбий хизматчилиги сабаб бўлган. Тенгдошларимга бу ҳақда сўзласам, айримлари ишонқирамасди. Бироқ ҳарбийликка бўлган қизиқишим ортиб борарди. Хуллас, орзуимни дадамга айтдим. Дадам мени қўллаб-қувватлаб, мақсадим йўлида курашишим кераклигини айтди. Шундан сўнг тайёргарликни янада кучайтирдим. Барча кўрик-танлов ва синовлардан муваффақиятли ўтиб, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга қабул қилиндим. Хушхабардан оила аъзоларимиз ҳам жуда севинишди. Айниқса, отамнинг хурсанд бўлиб, «Ўғлим, кўрдингми, инсон олдига мақсад қўйса ва унга астойдил интилса, албатта, муродига етади», деган гаплари ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди.

Курсантлик йиллари Алишернинг янада шижоатли, билимдон ва етук ҳарбий хизматчи бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутди. Топшириқларни вақтида ва аниқ бажариши, турли тадбирларда фаоллиги, тиришқоқ ва билимга чанқоқлиги сабаб командир ва бошлиқларининг назарига тушди. Айниқса, ҳарбий фанларга бўлган қизиқиш унда баланд эди. Шу сабаб машғулотлардан имкон қадар кўпроқ маълумот тўплашга, мустақил тайёргарлик соатларида ўз устида тинимсиз ишлаш орқали билимини бойитишга интиларди. Дала-ўқув машғулотларида эса машқ шартида белгиланган топшириқлардан ташқари ўз олдига «Бугун машқни аъло баҳога бажариб, ўрнатилган учта нишонга аниқ талафот етказаман!» ёки «Нишонларга талафот етказишда кам ўқ сарфлаб, меъёрий вақт кўрсаткичидан ҳам юқорироқ натижа кўрсатаман!» дея вазифа белгилаб оларди. Бунинг уддасидан ҳам чиқарди.

— Катта фарзандим ақлли, идрокли бўлиб вояга етди, — дейди қаҳрамонимизнинг отаси, истеъфодаги сержант Аристанбек Шаменов. — Унинг мактабни тамомлаш арафасида: «Дада, мен ҳам сиз каби она юртимга хизмат қилиб, ҳаётимни ҳарбийликка бағишламоқчиман. Шунга нима дейсиз? — деган саволидан ҳайратлангандим. Ҳарбий хизматнинг нақадар масъулиятли эканлигини жуда яхши биламан. Мустақилликка эришилган пайтлари Қуролли Кучларимиз сафларида ҳарбий кадрлар танқислиги яққол кўзга ташланарди. Иш жуда кўплигидан баъзан уйга кеч кириб борардим. Кичик фарзандларим келишимни кутмасдан ухлаб қолар, лекин тўнғичим доим ойиси билан мени кутиб ўтирар ва: «Дадажон яхши келдингизми?» — дея бағримга отиларди. Уни қучоғимга олишим билан чарчоқларим бир зумда тарқарди. Ҳозир Алишер касбимни муносиб давом эттирмоқда.

Алишер бугун Самарқанд вилоят мудофаа ишлари бошқармасида хизмат қилаяпти. Шахсий ҳаётда ҳам омади кулган: ҳозирда икки ёшли Жасминанинг севимли отаси, Дилнозанинг эса суюкли ёри.

А. ЮНУСОВ

## Бўлажак ҳарбийлар билан учрашув

***Андижон олимпия захиралари коллежида Ўзбекистон Қуролли Кучлари 20 йиллиги олдидан «Ватанпарварлар камоли» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.***

Давра суҳбати тарзида ўтган учрашувда вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси, «Н»-сонли ҳарбий қисм, Избоскан тумани мудофаа ишлари бўлими вакиллари иштирок этиб, Ўзбекистон Республикасининг умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонунининг мазмун-моҳияти билан ёшларни батафсил таништириб ўтдилар.

Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ғайрат МАДРАҲИМОВ,
лейтенант

***Сержант Полвон Жалилов болаликдан беғубор орзулар оғушида вояга етди. Полвон у пайтлар жуда ёш эди. Шунга қарамай, бобоси совға қилган велосипедни ҳайдашга уринди. Ўрганолмасдан уч-тўрт йиқилди. Ҳатто бурни қашқа бўлиб, енгил жароҳат ҳам олди. Лекин олдига қўйган мақсадидан қайтмади. Ўзига хос бу қатъият унга машаққатларни сабот билан енгиб ўтишни ўргатди. Қолаверса, техникага меҳр қўйишида бу воқеа муҳим ўрин тутди.***

## Мардонавор босилган қадам

Бугун ҳарбий қисмда секция командири вазифасида хизмат қилаётган Полвон зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда қўл остидаги ҳарбий хизматчиларнинг маҳоратини янада оширишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Ўсмирлик дамларим кечагидек ёдимда. Техника жону дилим эди. Қўшнимизнинг устахонасида таъмирталаб машиналарни тузатишга ёрдам берардим. Мактабда эса чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани дарсликларига ўзгача қизиқиш билан ёндашардим. Ўқитувчимиз машғулотларда миллий армиямиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар тўғрисида гапириб берарди. Ўшанда кўнглимда ҳарбийликка ҳавас уйғонган. Мактабни битирганимдан сўнг муддатли ҳарбий хизматга отландим. Техникадан хабарим борлиги бу ерда қўл келди.

— Сержант Полвон Жалилов фаол ҳаётий позицияга эга ҳарбийлардан, — дейди командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Шерзод Баҳронов. — Касбий маҳоратини янада оширишга, Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлишга интилиши унга кўплаб муваффақиятлар келтирмоқда. Мана, ўн олти йилдирки, шарафли соҳада хизмат қилиб келмоқда.

Полвон Жалилов ташаббускорлиги, интилувчанлиги билан сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Тизимларда аниқланган носозликларни бартараф этиш ҳамда экипаж таркибининг зирҳли техникага бўлган меҳр-муҳаббатини оширишга жиддий эътибор билан қарайди.

Мутахассислиги бўйича юқори тажриба эгаллаган сержант сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги фидойилиги учун «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Бу хабар Самарқанд вилояти Ургут туманининг Мирзо қишлоғига тезда тарқалди. Ёр-биродарлар, қариндошлар Абдураҳим ота ва Чучуксой аяни ўғлининг муваффақияти билан табриклашга шошилишди.

— Ўша куниёқ ўғлим билан телефонда боғландим, — дейди Абдураҳим ота. — Барака топ, болам! Ишончимизни оқладинг! Халқ олдида юзимизни ёруғ қилдинг. Яқинларинг, қишлоғинг сен билан фахрланади, дея юрагимдаги гапларни айтдим. Фарзандим ҳақида фақат яхши гаплар эшитиш менга руҳий тетиклик бағишлаяпти.

«Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдур», — деган эди Юртбошимиз. Ҳа, чиндан ҳам ҳақиқий эр йигитгина миллатнинг дардига дармон бўлади.

Саҳифа «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда тайёрланди

